O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 2000 йил 28 июнь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 50 (7245)

Da'vat

Инсоният янги аср бўсағасида турган бугунги кунда ҳаётнинг ўзи сиз, оммавий ахборот воситалари ходимлари олдига эл-юртимиз тинчлиги ва хавфсизлиги, Ватанимиз равнақи ва фарзандларимиз камолоти каби буюк вазифаларни қўймоқда.

Ислом КАРИМОВ

Ibrat

Қарши туманидаги "Насаф" савдо ҳиссадорлик жамияти жамоаси 7 нафар кам таъминланган оилалар болаларининг суннат тўйини ўтказиб берди. Тўй болаларнинг ҳар бирига совға-саломлар, ҳамда минг сўмдан пул қўйилган ҳисобрақам дафтарчалари топиширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида

Нархлар эркинлаштирилаётган шароитда республика фуқароларининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, аҳоли даромадларининг оширилишини таъминлаш мақсадида:

1. 2000 йил 1 августдан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, олий ўқув юртлари талабаларининг, ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртлари ўқувчиларининг стипендиялари ўрта ҳисобда 1,5 баравар оширилсин.

2. 2000 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

энг кам иш ҳақи – ойига 2450 сўм;

ёшга доир пенсия – 4675 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд – ойига 2450 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига 4675 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ҳамда меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа – ойига 2835 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимчаларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болалик оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган бошқа тўловлар 2000 йил 1 августдан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан маблағ билан таъминланадиган ташкилот ва муассасалар мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг мансаб маошларини ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласинлар.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика давлат бюджети ва Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар меҳнатга ҳақ тўлаш базавий фондининг белгиланган миқдорларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳамда таннархни камайтириш ҳисобидан 2000 йил 1 августдан бошлаб иш ҳақи миқдорини мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорига мувофиқ оширсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 19 июлдаги ПФ-2339-сон Фармони 8-банди истисно қилинган ҳолда ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда мазкур Фармонни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 23 июн.

БУ КУН БАРЧАГА МУҲИМ

(Репортаж)

Журналист бирор бир байрамни, айтайлик, тиббиётчи ёки муҳандиснинг касб-байрамини газета, радио ва телевидениеда зўр қилиб ёзиши, кўрсатув тайёрлаб, намойиш этиши мумкин. Агар бир одам ҳақида ёзмоқчи бўлсагу, қўяверинг. Теша тегмаган сўзлар, ибора ва сийловлар билан қаҳрамонини шундай таърифлайдики, баъзан бундан ўзи ҳам ҳайратга тушади. Ёзганини газетхон тугул ўзи ҳам қайта-қайта (баъзан яширинча) ўқийверади. Шунинг ўзи ҳам бир илҳом, бир рағбат. Чунки шу мақола таъсиридан, оҳангидан иккинчи мақола туғилади. Бу ижод жараёнининг бир кўриниши холос. Ижод эса серқирра.

Журналист ўзи ҳақида нималарни ёзиши мумкин? Айнан унинг касб байрами нишонланаётган бўлса-чи?

Бундай пайтда у кўп нарсани ёзмайди. Камгап ва камтарин бўлади.

Бундай пайтда журналист ўзи ҳақида ҳамма нарсани ёзиши мумкин. Бир сўз билан айтганда журналист фаолияти жамиятимиздаги янгиланишларга ўзини бурчли, масъулиятли ва айни пайтда матбуотни бу жараёндаги етакчи куч деб билган Ватандошларимиз ҳаёти билан чамбарчас боғланган.

Бундай пайтда журналист унинг дарди, меҳнати, айтадиган сўзи учун қайғуради, керак бўлса курашади ҳам.

Бу кун Ватандошининг ҳам байрами.

Юртбошимизнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан йўллаган табригида бу ҳақиқат аниқ-тиниқ ўз ифодасини топган: **"Бу кун нафақат журналистлар, матбаа ва радиотелевидение ходимлари, балки ҳаётимизда эзгу мақсадлар йўлида эришаётган натижаларимизда матбуотнинг ўрни ва мавқеини эътироф этадиган ва қадрлайдиган ҳар бир юртдошимиз учун ҳам муҳимдир".**

Асримиз бошларида миллат, Ватан озодлиги йўлида дунё юзини кўрган "Тараққий" газетаси миллий матбуотимизнинг тамал тошларидан бўлди. У 1905 йил 27 июнда илк марта нашр этилганди. Унда жамиятнинг олға интилишига туртки бўладиган омиллар ва бу йўлда оёққа чирмовиқдай ёпишадиган иллатлар ошкора тилга олинган эди. Миллий матбуотимиз ўша даврдаёқ халқ тақдирига ўз тақдирини, белига тараққиёт камарини боғлаган эди.

Бугунги кун матбуоти ҳам ана шу мезондан йироқ эмас. Айтиш жоиз бўлса, унинг бугунги ҳаёти олдингидан муҳимроқ, долзарброқ ва шиддатлидир.Шу ўринда яна Президентимизнинг журналистларга йўллаган табригига кўз югуртирсак; **"Оммавий ахборот воситалари жамиятимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий, маънавий-руҳий ўзгаришлар, демократик тамойилларни шакллантиришдек улуғвор ишларнинг фаол иштирокчиси, одамларимизни эркин фикрлашга ўргатадиган ва маънавий уйғоқликка даъват этадиган доимий ҳамроҳимизга айланмоқда. Инсоният янги аср бўсағасида турган бугунги кунда ҳаётнинг ўзи сиз, оммавий ахборот воситалари ходимлари олдига эл-юртимиз тинчлиги ва хавфсизлиги, Ватанимиз равнақи ва фарзандларимиз камолоти каби буюк вазифаларни қўймоқда. Дунё ахборот оламида глобаллашув жараёнлари кучайиб бораётган ҳозирги шароитда миллий матбуотимиз янада фаол бўлиши, халқимизни турли ғоявий таҳдидлардан, миллий тафаккур тарзимизга ёт ақидалардан ҳимоя қилиши, жамиятимиз миллий истиқлол мафкурасининг шаклланишида алоҳида ўрин тутиши, маънавий ҳаётимизнинг ва муқаддас қадриятларимизнинг мустаҳкам ҳимоячисига айланиши лозим",** деган сўзларини ўқиймиз. Бу матбуотга нисбатан юксак эътироф, эҳтиром, таянч, айни пайтда масъулият ҳамдир.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек оромгоҳи ўзгача байрам тусига кирди. Журналистлар, матбаа ва нашриёт ходимлари самимий, қувноқ кайфиятда. Бундай дейишимизга сабаб бу кун уларнинг йиллик меҳнатлари сарҳисоб қилинадигандай. Аммо гап кимнингдир тақдирланиши ёки тақдирланмаслигида эмас. Гап ўзлари олдидаги вазифаларга қанчалик масъулият билан ёндашганликни чамалашда. Буни ижобий, қандай ҳолат бўлмасин ўз ишига масъулият билан қараш деб тушундик.

Президентимизнинг журналистларга йўллаган табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов йиғилганларга ўқиб эшиттирди. Оромгоҳда ижодкорларнинг оилалари, фарзандлари ҳозир эдилар.

Йиғилганлар эса бир-бирларини табриклаш илинжида юрарди. Устоз шогирдни, шогирд устозни. Ота ўғилни, ўғил отани. Қиз онасини, она қизини... Хуллас, дўст, ёру биродарлар қаттиқ қўл қисишиб, ижодий самаралар тилашди.

Хабарингиз бўлса, Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси томонидан анъанавий тарзда "Йилнинг энг яхши журналисти" танлови ўтказиб келинади. Бу сафарги танловда 1999 йилда турли нашрларда эълон қилинган сара асарлар ва уларнинг муаллифлари танлаб олинди. Танлов натижаларига кўра, уч киши ғолиб деб топилди ҳамда байрам совғалари билан тақдирланди. Бир нечта журналистларга рағбатлантирувчи мукофотлар топширилди.

Шунингдек, журналистларни қутлагани бу ерга республикамизнинг нуфузли давлат ташкилотлари, вазирликлар ва жамғармалар вакиллари ўз совғалари билан ташриф буюришди. Мазкур ташриф бу куннинг ҳамма учун муҳимлигини яна бир бор англатиб турарди.

Фан, маданият, санъат, иқтисодиёт, назорат тизими фаолияти хусусида чоп этилган энг яхши мақолалар муаллифлари мукофотландилар. Давлат Тест Маркази бошлиғи Муҳсин Муҳитдинов, халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Йўлдош Саиджонов вазирлик тасарруфидаги газета-журналлар, жумладан «Маърифат» газетаси ходимларини ҳам қимматбаҳо совғалар ва фахрий ёрлиқлар билан рағбатлантирди. Санъат намояндалари иштирокида куй-қўшиқлар ижро этилди.



Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ,
"Маърифат"нинг
махсус мухбири

ВАТАН ҲАҚИДАГИ ҚЎШИҚНИНГ ЁМОНИ БЎЛМАЙДИ

Кайфияти кўтаринки бўлган одамнинг эзгу ишлар, ҳаммага яхшилик қилгиси келади. Хуллас, инсон руҳияти меҳрга, тарбияга, маънавий озуқага муҳтож — яралганидан бошлаб...

Инсон кайфиятини кўтарадиган воситалардан бири — қўшиқдир. Биронбир юмушни бажараётган киши хиргойи қилиб ишлайди, чарчаган одам қўшиқ эшитиб, дам олади, тўйлар, катта-кичик анжуманлар куй-қўшиқсиз ўтмайди. Алалхусус, қўшиқ қон-қонимизга сингиб кетган.

Қўшиқлар бўладики, ҳазин, юракларни ларзага солувчи. Яна шундай қўшиқлар борки, улардаги оҳанг кишини кўтаринкиликка ундайди, ҳаёт, кураш, ғалаба иштиёқини кучайтиради. Ватан ҳақидаги қўшиқлар шундай оҳанглар сирасига киради.

Ёдингизда бўлса, май ойида Самарқанд шаҳрида Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги ўқув жамоалари ўртасида "Ўзбекистон — Ватаним маним" Республика қўшиқ байрамининг якуний босқичи бўлиб ўтган эди. Энди навбат олий ўқув юртларига келди ва 26 июнь куни пойтахтнинг муҳташам "Туркистон" саройида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлари бадиий жамоаларининг мустақиллигимизнинг 9 йиллигига бағишланган қўшиқ байрамининг якуний кўрик-танлови бошланди.

Байрамни кириш сўзи билан очиб берган Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири Саидаҳрор Ғуломов санъатнинг инсон ҳаётидаги ўрни беқиёслигини, қўшиқнинг тарбиявий аҳамияти юксаклигини таъкидлаб, барча қатнашчиларга омад тилади. Шундан сўнг бир неча босқичлардан ўтиб якуний босқичга тақдим этилган қўшиқларнинг ижроси бошланди.

Сўзимиз бошида кайфият ҳақида гапирган эдик. "Туркистон" саройига ташриф буюрганларнинг ҳаммасининг кайфияти кўтаринки эди. Ёш йигит-қизлар Ватан ҳақидаги энг гўзал қўшиқларини тақдим этаётганларидан хурсанд эдилар.

Аслида Ватан ҳақидаги қўшиқнинг ёмони бўлмайди. Аммо танлов — ўз номи билан танлов. Ижодкор талаба-ёшларнинг чиқишлари ҳам нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланиб борилди. Кўрик-танлов натижалари билан газетамизнинг кейинги сонида батафсил таништирамиз.

Хусан НИШОНОВ

2000 yil — Sog'lom avlod yili

Жуманазар БЕКНАЗАР

ЮКСАЛИШ МЕЗОНИ

ёки буюкликка рағбат

Худди мана шу ерда яна буюк аллома бобомиз Ибн Синони эсга олишга мажбурмиз. Она юраги мусиқасидан лаззатланган ва ширин ҳислар туяётган мия ҳужайраларида жойлашган руҳ аниқ бир даврда материя, яъни ҳомила танасига рағбат беради, натижада унинг массаси ошиб, руҳ ва материянинг мослиги вужудга келади. Ана энди руҳнинг рағбат кучини ошириш (бунинг учун мия ҳужайралари кўпайиши шарт) учун қўшимча информациянинг энг кучлиси, сифатлиси, таъбир жоиз бўлса, олий даражадагиси ашула ва мусиқадир.

Келинг, шу ерда яна далилларга мурожаат қилайлик. Новосибирск педагогика университети олимлари одамлар орасида катта текширув ўтказишди. Табиатида ўта баджаҳллик, эгоизм, бошқалар фикри билан ҳисоблашмаслик, ижобий нарсадан ҳам доимо норози, агрессив одамларда шу нарса аниқландики, улар ҳомилалик даврида ҳам, чақалоқлик даврида ҳам на она алласи, на ашула, на мусиқа оҳангларини эшитишган.

Янада чуқурроқ текширилганда эса бошқаларни куйдириш ҳисобига кун кечирувчи аҳлоқи паст шу инсонларнинг оналари ҳам бирон-бир аллани ёки ашулани билмас, мусиқага беписанд қарар эканлар. Демак, ҳомилалик даврида ашула, алла, мусиқа эшитиш ва унинг туғилганидан кейин ҳам давом эттирилиши инсон туйғулар доирасининг ижобий шаклланишига катта таъсир кўрсатади. Кўпгина олимларнинг хулосасига кўра, ҳомиланинг келажакда ақлий жиҳатдан комилликка эришган инсон бўлиб етишувида, унинг ижобий руҳият эгаси бўлиб шаклланишида мусиқа биринчи ўринда, она меҳри эса тўққизинчи ўринда тураркан.

Можар мусиқашуноси Зольтан Кодаядан сўрабдилар: "Чақалоқ туғилгунича ҳали 9 ой борлигига қарамасдан, уни мусиқа билан тарбиялаш эрта эмасмикан". Жавобни эшитинг: "Кеч! Бу тарбияни унинг онасида, туғилганидан 9 ой олдин бошламоқ зарур эди".

Мана шу ҳаётий далиллардан ҳам мусиқанинг ҳомила тарбиясида нечоғлик ўрни катта эканлигини билиш мумкин. Чунки ҳомилага эшиттирилган мусиқа оҳанглари онгости мия ҳужайраларига муҳрланиб қолади ва бу муҳрланиш, одатда, миянинг хотира марказида рўй беради. Келинг, мана шу борада хотира маркази тўғрисида фикр юритайлик.

Одатда инсонда хотира маркази иккита бўлади. Масалан, айтайлик, сиз бугун бир яхши шеърни ёд олдингиз. Эртасига уни равон ва ифодали ўқиб бериб, тенгдошларингизни қойил қолдирдингиз. Орадан ўн кун ўтгач, худди шу шеърни тутилиб-тутилиб, сўзларини эслаш учун ўртада анча пауза қилиб, ўқийсиз. Анча вақт ўтгач эса, шеърнинг мазмуни ёдда қолади, холос. Бу ҳолда шеърни ёд олаёт-ганингизда унинг сўзлари биринчи хотира марказига электр зарядлари кўринишида, сифатида жойлашади. Агар бу шеър маълум бир даврларда такрорланиб турилмаса, хотира марказидаги шу шеърга оид электр зарядлари кучи аста-секинлик билан камая боради.

Вақтлар ўтиши билан бу заряддан ном-нишон ҳам қолмайди. Демак, биринчи хотира марказида йиғилган информация худди аккумуляторга ўхшайди. Бошқа заряд олмай туриб қолган аккумулятор кучи кундан-кунга камаяверириши, охир-оқибатда кераксиз матоҳга айланиб қолиши барчага аён. Хотирасиз инсон ҳам мисоли шундай.

(Давоми. Боши ўтган сонда)

(Давоми 2-бетда)

Istiqlolim — iqbolim

ДАВР ЁШЛАРДАН ФАОЛЛИКНИ ТАЛАБ ҚИЛМОҚДА

Мустақиллик йилларида биз ўзбек деб аталмиш улуғ бир миллатга мансуб эканлигимизни ифтихор билан англаб, бундан фахрлана бошладик. Миллат ва Ватан келажаги бизнинг иқтидоримизга, салоҳиятимизга, илм ва билимимизга боғлиқлигини, халқимиз улуғ, Ватанимиз буюк бўлиши учун биз ёшлар кўп ўқишимиз ва меҳнат қилишимиз лозим эканлигини тушуниб воя-га етдик.

Президентимиз Ислом Каримовнинг "Фидокор" газетасида "Донишманд халқимнинг мустаҳкам иродасига ишонаман" мавзуидаги суҳбатини ўқир эканман, кўксимдаги ўша фахр — ифтихор туйғуси яна бир карра теранлашди.

Иқтидорли, қобилиятли болалар асосан иқтисодчи, ҳуқуқшунос, халқаро алоқалар бўйича мутахассис бўлишни орзу қилишмоқда. Замонавий офисларда ишлаш, чет элларга бориш, кўп моянали, сердаромад иш топиб, яхши яшашни орзу қилишга айб йўқ. Албатта, ёшларнинг бу орзу-умидлари келажакда жонажон Ўзбекистонимизнинг иқтисодий салоҳиятини кўтариш, уни жаҳон ҳамжамиятига танитишда жуда асқотади. Лекин, масаланинг бошқа томони ҳам бор. Бу, Президентимизнинг суҳбатларида айтилгандек, миллий ғоя, миллий мафкура, фалсафий тафаккур масалаларидир. Булар, Ватанимиз ва миллатимизнинг кучқудратини таъминлайдиган энг асосий омил эканлиги бугун кундек равшан бўлиб қолди. Уни бир неча авлод яратишини ҳисобга олсак, биз ҳам бу жараёнга албатта ўз ҳиссамизни қўшишимиз даркор. Демак, бугун мамлакатимизга фақат иқтисодчилар, ҳуқуқшунослар эмас, балки яхши тарихчилар, файласуфлар, журналистлар, ҳуллас, мафкура тизимида хизмат қиладиган истеъдодлар ҳам сув билан ҳаводек зарур экан. Миллий ғоя, миллий мафкура, умуммиллий манфаатлар деган тушунчаларнинг гўё бизга алоқаси йўқдек, улар гўё катталарнинг ишидек, айрим ёшларимиз бунга бепарво. Давр эса, ёшлардан шижоатни, фаолликни талаб қилмоқда. Менимча, бундай хислатли ёшлар юрт тақдирини ҳис қиладилар ва бунга ўзларини тайёрлаб борадилар.

Отабек НУРИДДИНОВ

Ўзбек олимининг ютуқларини дунё тан олмоқда 2-бет

Йилдан йилга юксалиш 3-бет

Мактабда психологик хизмат истиқболи 3-бет

Балиқчам ўлиб қолди... 4-бет

JUMLADA JAHON

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан 1998-2000 йилларда қурилиш соҳасидаги иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш Дастурига мувофиқ, шунингдек, капитал қурилишда бошқарув тизимини янада такомиллаштириш, қурилишда бошқарув тизимларини монополиядан чиқариш ва ихчамлаштириш пудрат ишлари бозорини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон сув хўжалиги қурилиши давлат концерни ("Ўзсувқурилиш") тугатилди.

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Импорт истеъмол товарлари олиб келиш ва сотишни ташкиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори чиқди.

• Куала—Лумпур (Малайзия)да Осиё ва Тинч океани минтақасининг ҳар йиллик банки конгрессида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига "Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш дастури"ни амалга ошираётганлиги учун халқаро молия ҳамжамиятининг юқори мукофоти топширилди.

• Японияниинг "Майнити" газетаси Афғонистондаги "Толибон" ҳаракати раҳбарлари ўзларининг назоратида бўлган ҳудудларидаги хориждан келган жангариларни тайёрлашда фойдаланиладиган сўнгги етти лагерни ёпиш ниятида эканлиги ҳақида хабар берган.

• Чеченистонда тўққиз ой давом этган ҳарбий компания амалда тугаганлиги, Россия Чеченистон ҳудудининг 90 фоизини ўз назоратига олганлиги ҳамда жангари-сепаратистлар эса тоғли ҳудудлардан бошпана топганлиги ҳақида хабар беради "Лос-Анжелес таймс".

Ҳомила тарбиясида мусиқага бу даражада эътибор беришдан мақсад улуғ бастакорлар етиштириш эмас, балки ҳомила мия ҳужайраларининг кўпайишига эришиб, руҳи такомиллашган, ақлан ва жисмонан етук соғлом авлодни тарбиялаш.

ХТБ ички имкониятларидан изланиб, 350 минг сўм пулни дарсликлар олиб-сотиш учун "ҳаракат"га қўйди.

Ma'rifat

2000 yil — Sog'lom avlod yili

Жуманазар БЕКНАЗАР

ЮКСАЛИШ МЕЗОНИ

ёки буюкликка рағбат

(Боши 1-бетда)

Агар сиз шеърни ҳар куни, кунаро, ҳафтада такрорлаб турсангиз, ёдлаган шеърингизнинг биринчи хотира марказига йиғилган электр зарядлари кўринишидаги шеър сатрлари иккинчи хотира марказига оқсил молекулалари шаклида ўтади. Оқсил молекулалари эса ҳеч қачон йўқолмайди.

Иккинчи хотира марказидаги асосан онг остида, яъни мия пўстлоқ остида жойлашган, бироқ мия пўстлоғи ҳужайралари билан чамбарчас ва мукаммал боғланган. Шунинг учун ҳам ҳатто энг чуқур уйқуда ётган одамни уйғотиб, ота-онаси исмини, кўпайтириш жадваллари сўралса, бир пасда айтиб беради. Жуда яхши ёдлаган шеърини айтганда, шеърнинг сатрлари миянинг чуқур жойидан ўз-ўзидан қуйилиб келаверади, одам уни такрорлайди, холос.

Узоқ хотиралар ҳам иккинчи хотира марказида "михланиб" қолади. Ўша хотиралар эслатилса, қолган хотира лавҳалари инсон кўз ўнгидан бирма-бир ўтаверади. Бу ажойиб ҳодисанинг механизми қуйидагича: мия пўстлоқ ҳужайралари олинаётган информацияга оид "хазина" ёки "шкаф"ни очади. Мана шу хазинадаги, яъни хотира марказининг махсус катагидаги лавҳа ёки лавҳалар кўриш ёки гапириш марказига биринкетин узатиларади. Сиз уларни қайта кўриб ёки гапириб беравересиз. Мана шу ҳолат хотиралар онг остида муҳрланган учун шундай бўлади. Албатта, ушбу жараён ҳозир баён қилинганидан кўра, ўта мураккаб.

Ҳомила хотира марказида муҳрланган она юрагининг товуши, она алласи, унинг эшитган биринчи мусиқаси қайсидир бир информация таъсиридан уйғотилса, у тананинг барча ҳужайраларига рағбат беради. Шуниси қизиқки, уларни уйғотиш жиҳатидан биринчи ўринда мусиқа туради ва бу ҳолдан тиббиётда унумли фойдаланилади...

.... Оғир касал операция қилинмоқчи. Операция оғир, ҳаёт учун хавфли. Бироқ операция қилинмаса беморнинг нобуд бўлиши тайин. Бемор операцияга обдон тайёрланади. Бунда унинг руҳий жиҳатига, ички аъзоларининг муайян пайтдаги ҳолатига катта эътибор берилади. Айниқса, бир муҳим жиҳатга диққат қилинди: бемор мусиқанинг қайси турини ёқтириши, қайси ашулалар, қайси ҳофизлар қўшиғини дилдан яхши кўриши синчиклаб, сўраб-билиб олинди. Операция пайтида худди шу мусиқа, ашула ва қўшиқлар магнитофон лентасидан қулоққа хуш ёқар тарзда жаранглаб турди.

Кузатишлар кўрсатдики, мана шу усулда операция қилинган беморлар мусиқа эшиттирилмасдан операция қилинганларга нисбатан 3-4 кун олдин тузалганлар.

Демак, мусиқа эшиттириш пайтида куйнинг сеҳри хотира марказидаги илк мусиқа муҳрланган оқсилларни - ҳужайраларни уйғотган, у ерда жойлашган руҳни жунбушга келтириб рағбатлантирган. Оқибатда танадаги барча ҳужайралар биоинформациядан уйғонишиб, лаззат олганлар. Лаззат олиш ҳиссиётидан эса организмда кўплаб эндоморофинлар ишлаб чиқарилади. Бундан эса оғриқ сезиш йўқолади, энг аҳамиятлиси - организмнинг иммунобиологик кучлари кўпаяди. Барчаси жам бўлиб, касалликдан тезроқ қутилиш, тузалиш имконини яратади.

Олимлар тарафидан шундай тажриба ўтказилди: Наслий калит эгаси ДНК молекулалари суртилган пластинка устига лазер нурлари туширилди. Худди шу пайтда пластинкага уланган радиокарнайдан жуда тиниқ, ширин куй эшитила бошлади. Бу куй булбулнинг, гоҳида эса Жанубий Америкада бирбирлари билан ҳуштак воситасида гаплашадиган элат товушга ўхшаб кетарди. Бу тажриба ҳар хил усулда минг марталаб қайтарилди. Шу нарса аниқландики, ДНК молекулалари лазер нурларини ўзларига ютиб, кейин уни ўзидан куй тариқасида чиқазар экан. Баъзан ўзларидан лазер нурларини голограмма тасвирида чиқариб, бу голограммада наслга оид информациянинг 90 фоизини ўқиб олиш мумкин экан. Ҳар бир ҳайвон, қуш ДНКларининг ўзига хос куч-мусиқаси бўлиб, улар ҳеч қачон бир-бирларини такрорламас эканлар.

Худди шу усулда ДНКни ўзида сақлаган хромосомаларни текшириш жуда ҳайрон қоларли натижаларни кўрсатди. Масалан, айтайлик, сут тишларининг қачон чиқиш вақти насл қалитикоди тарафидан белгиланган пайт келганида, шу калитни тутган хромосомадан электромагнит тўлқинлари, нур ва ўзига хос куй-мусиқа пайдо бўлиб, у жаранглай бошлайди. Мана шу куй-мелодия орқали тиш чиқаришга оид ва унга ёрдамчи ҳужайралар буйруқ олади. Бу буйруқ, албатта, бажарилади, чунки у ҳужайра марказидан - тирик материянингг ядросидан келяпти. Бироз вақт ўтгандан кейин организм ҳужайралари хромосомларидан бошқача лазер-куй жарангини эшитадилар, энди улар шу буйруқни бажаришга киришадилар. Демак, организм ҳужайралари шу шахснинг умри бўйи хромосомалардан келаётган лазер-куй жаранги таъсирида фаолият кўрсатадилар.

Бу куйлар хромосомаларнинг бир бўлагидан бошланиб, наслий ахборотни ҳам рўй-рост намоён қиладилар. Бу куйда организмнинг ўтган кунлари ахбороти, ҳозирги пайтдаги ҳолати ва келажаги нотаси ёзилган бўлади. Хромосомаларнинг мана шу куйлари тембри, баланд ва пастлиги, жаранглаши, қувноқлиги ва бошқа хусусиятларига қараб, ҳатто унинг касал ёки соғломлиги тўғрисида ҳукм юритиш мумкин. Келажакда шундай пайт келадики, ҳужайра хромосомаси куйлари сифати ва хусусиятга қараб, инсониятга маълум 30 минг касалликнинг қайси эканлигини жуда эрта аниқлаш мумкин. Фақат бунинг учун шу касалликларга хос хромосома куйларининг (албатта, бу куйлар ҳазин ва мунгли) компьютер каталогини тузиш керак, холос.

Маълумки, насл кодига асосан одамзод энг камида 130-150 йил умр кўриши лозим. Бироқ инсон 60-80 ёшга кирганида ҳужайра хромосомасидан ўлим куй-мусиқаси чалинади ва бошқа ҳужайралар бу буйруқни бажаришга мажбур. Ана энди шу хромосомаларнинг генетик аппаратига 130-150 ёшга кириш мелодиясини чалишни ўргатиш, балки шунга мажбур қилиш керакдир?! Ана шунда ҳужайра хромосомаларидан янграётган мусиқа таъсирида инсон бемалол, ҳеч қандай машаққатсиз, 130-150 ёшга киради. Худди шу йўл билан рак ҳужайраларига ҳам таъсир қилиш мумкин. Рак ҳужайраларининг хромосомаларнинг қайси куйига қараб жавоб тариқасида кўпаётганликларини билиб олиб, унинг тембри, темпи, амплитудасини ҳисобга олиб, худди шу куйга антимелодия яратиш мумкин.

Ушбу ёзилганлар асосида хулоса қилиш вақти келди. Демак, мусиқа, куй, ашула, она алласи ҳужайра хромосомаларига ижобий таъсир воситасига эга, шунинг учун ҳам булар ҳомила тарбиясида энг биринчи ўринда туради. Ҳомилалик даврида мусиқа, ашула, қўшиқ, она алласи билан тарбияланган боланинг ақлий имкониятлари ғоят юқори бўлиши — бу мўъжиза. Фақат шу мўъжизадан етарли равишда фойдаланиб, Ватан буюклигини яқинлаштириш учун уни юқори унумда қўлламоқ лозим.

Ривожланган хориж мамлакатларида эса бу усулдан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳомиланинг юрак уришини секинлаштиради-ган, тезлаштирадиган, маромийлигини сақлайдиган, унинг "Ҳис-ҳаяжонига" таъсир этадиган махсус мусиқа ритмлари танланиб, ҳомилали оналарга эшиттирилмоқда.

Бундай мусиқий тарбияни олиб туғилган чақалоқларда ҳам жисмоний, ҳам ақлий қобилият кўрсаткичлари анча юқори бўлади. Бу чақалоқлар кейинчалик ўз тенгдошларига нисбатан эрта бошини тута бошлайдилар, уларда ўтириш, юриш, тили чиқиши, анча эрта бошланади. Ҳатто 2 ёшга тўлган пайтларидаёқ шеърлар айтиб, булбулга ўхшаб сайрай бошлайдилар.

Улуғ аллома Ибн Сино: "Чақалоқлар организми ва характерини мустаҳкамлаш учун, биринчидан, уни енгилгина чайқатиш ёки силкилаш, силаш, иккинчидан, мусиқа эшиттириш, ашула айтиш лозим. Чақалоқларнинг бу нарсаларни қандай қабул қилишига қараб, жисмоний машқлар ёки мусиқага мойиллиги пайдо бўлади. Биринчиси, унинг танасини, иккинчиси эса, руҳиятини мустаҳкамлайди" деб бекорга ёзмаган "Тиб қонунлари" китобида.

Ҳомила тарбиясида мусиқага бу даражада эътибор беришдан мақсад улуғ бастакорлар етиштириш эмас, балки ҳомила мия ҳужайраларининг кўпайишига эришиб, руҳи такомиллашган, ақлан ва жисмонан етук соғлом авлодни тарбиялаш. Ибн Сино таъкидлаганидек, руҳи ва танаси бир-бирига жуда монанд биринчи тоифа инсонларни қарор топтириш, токи бунда руҳ ва тана шу даражада бир-бирига мос келсинки, улар бундан олий лаззат олсин. Бундай олий лаззат эса тарихда ўчмас ёрқин из қолдирган Жалолиддин Румий, Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Хўжа Шамсиддин Кулол ва бошқа улуғ боболаримизга насиб этган. Бунинг учун фақат бир мўъжизавий хислатни унутмасак бўлди. Демак, инсоннинг буюк кашфиёти бўлган мусиқа инсоннинг тафаккур жиҳатдан буюк бўлишини таъминловчи буюк воситадир!

"ИСТИҚБОЛ" — ИСТИҚЛОЛ ИНЪОМИ

Qurultoy

Компьютерлаштириш — таълимни янгилаш омили. Бу тушунчанинг моҳиятини ўз вақтида англаган Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги бу тизимни янада ривожлантириш ниятида махсус мақсадли уюшма ташкил этиш ташаббуси билан чиқиб, 1992 йили Ўзбекистон информатика ўқитувчилари ва мутахассислари уюшмаси тузилган ва унга "Истиқбол" деб ном берилганди.

Хўш, уюшма тузилиб, кўзланган мақсадга эришилдими? Уюшма Низомида белгиланган вазифалар тўла адо этилаяптими? Компьютерлари мавжуд мактабларни дарслик ва дастурлар билан таъминлашда уюшманинг ўрни қандай бўлаётир? Уюшма келажакда халқ таълими тизимига яна қандай янгиликларни киритишни мўлжалламоқда? Куни кеча республика Таълим марказида ўтказилган "Истиқбол" уюшмаси II қурултойида ана шу каби масалалар ҳақида атрофлича сўз борди.

Қурултой ишини ХТВ бошқарма бошлиғи Соибжон Алиев очиб, анжуман кун тартибидаги масалаларга тўхталди ва дастлабки сўзни "Истиқбол" бошқаруви раиси, академик Восил Қобуловга берди. У "Ҳозирги кунда информатика ўқитувчилари ва мутахассисларининг олдида турган долзарб вазифалар" мавзуида маруза қилди. Сўнгра уюшма ижрочи директори Толибжон Ҳайдаровнинг "Истиқбол" уюшмасининг 1996-2000 йилларидаги фаолияти ҳақида"ги ҳисоботи тингланди.

1996 йилдаги қурултойдан кейин уюшма фаолиятида жиддий ўзгаришлар юз берди. Чунончи, Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда Самарқанд шаҳрида ташкил этилган "Компьютер саводхонлиги" ёхуд шу соҳа бўйича ўқув-методик адабиётлар ва педагогик дастур воситалари кўрик-танловини ўтказиш анъанага айланиб боратётир. Унда дастурлар, дарсликлар яратаётган илғор ўқитувчилар рағбатлантирилиб бориляпти, муаллифлар билан шартномалар тузиляпти.

Ҳар йили умумтаълим фанлари бўйича ўқувчилар республика олимпиадасида уюшма ходимлари фаол қатнашишиб, компьютерларнинг яхши ишлашини таъминлашмоқда. Умумтаълим мактабларининг битирув имтиҳонлари ҳам IBM типидаги компьютерларда янгитдан яратилган ускунавий дастур, шунингдек, "Правец — 8" компьютери учун ҳам янгиликлар билан бойитилган Супер тест асосида ташкил этилаётир. Уюшма томонидан чиқарилган барча ўқув-методик адабиётлар ИМКдан ўз вақтида ўтказилиб, ҳамкорликда жойларга етказилмоқда.

Тўғри, 1996,1997-йилларда уюшма анча молиявий қийин аҳволга келиб қолганди. Бунинг сабаблари уюшма томонидан яратилган маҳсулотлар омборхоналарда қолиб кетганлигида эди. Кейинги йилларда вилоятлар билан, у ердаги вакиллари билан маълум тадбирлар ишлаб чиқилди ва маҳсулотларни жойларга етиб боришига имкон яратилди.

"Ёш информатиклар" ёзги мактаби ҳақида ҳам илиқ фикрлар билдириш мумкин. У ўзига хос ўқитиш, тажриба алмашиш мактабига айланиб, кенг миқёсда эътироф этилмоқда. Ундан ташқари, ҳар йили бирор вилоятда илмий-амалий семинарлар уюштирилиб, таълим жараёнини ахборотлаштириш, узлуксиз таълим тизимини жаҳон ахборот тармоғига уланадиган компьютер тармоғи билан тўлиқ қамраб олиш сингари масалалар муҳокама қилинмоқда.

Айни пайтда вилоятларда уюшманинг бўлимларини ташкил этиш, уларни вилоятлар адлия бошқармаларидан рўйхатдан ўтказиш ишлари олиб борилаётир. Энг асосийси, Тошкент шаҳар ишсизларни касбга тайёрлаш ўқув маркази билан 1999 йилда шартнома тузилди. Бу шартнома асосида йигит-қизлар "ЭҲМ оператори" ва "Ҳисобчи" касбларига ўқитилмоқда. У ерда таълим олганларнинг барчаси ишга жойлашмоқда. Ҳаттоки, биз шу уюшма ўқув марказида ўқиймиз, деб ойлаб навбат кутиб турганлар борлиги кишини қувонтиради.

Кейинги йилларда бир қанча ташкилотлар билан ҳам ҳамкорлик шартномалари имзоланди. Жумладан, РТМ билан имтиҳон билетларини чоп этиш, компьютер техникаларидан фойдаланиш, интернетга улаш, хизмат кўрсатиш каби масалалар юзасидан келишиб олинди. Ўқув-методик адабиётларни чоп этиш бўйича "Муҳаррир", "Кўҳи нур" фирмалари доимий ҳамкорлик шартномалари тузилган. Ҳозирги кунда уюшма Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус, касб ҳунар таълими Маркази билан қатор шартномалар тузишни режалаштирмоқда...

Шунингдек, қурултойда РТМ бўлим бошлиғи Баҳодир Болтаев "ИҲТА фанидан яратилган ДТС ва янги дастурни ўқув жараёнига тадбиқ этишда ўқув-педагогик дастурларнинг аҳамияти", "Ўзбекўқувавтоматика" Маркази бош директори Владимир Мусафиров "Мавжуд компьютерларга сервис хизмати кўрсатиш ва янги қўйилаётган компьютерлар ҳақида" мавзуида маруза қилишди. Уларнинг таъкидлашича, мазкур тизим кўплаб янгилик ва ўзгаришлар томон юз тутиб, иш ҳажми кўпаймоқда.

Уюшма тафтиш комиссияси раиси Яздонқул Мустапақулов ҳисоботига кўра, иш ҳажми ўсиб бораётган бўлса-да, 1996 йилдан бери Солиқ назоратига топширилган уюшма балансларининг барчаси фойда билан якунланган, ҳисоб-китоблар жойида. Шуларни инобатга олиб уюшма бошқаруви фаолиятини янада кенгайтириш яъни нашр ҳуқуқини қўлга киритиш ва "Истиқбол" номли нашриёт очиш ҳаракатида бўлаётирлар. Агар режаланаётган бу юмушлар амалга оширилса, республикада таълим тизими ривожига ҳисса қўшувчи улкан корхона юзага келади.

Қурултойда иштирок этган қозоғистонлик меҳмон, Жанубий Қозоғистон вилоят билим департаменти таълимда янги технологиялар ҳудудий маркази вакили Александ Кулешёв ҳам уюшма фаолиятига юксак баҳо берди.

Қурултойда "Истиқбол" уюшмаси Низомига мувофиқ уюшма аъзолари, бошқаруви таркиби аниқлаб олинди ва шу асосда сайлов ўтказилди. Кўпчиликнинг таклифи билан "Истиқбол" уюшмаси бошқаруви раислигига академик Восил Қобулов, ижрочи директорлигига Толибжон Ҳайдаров, тафтиш комиссияси раислигига Яздонқул Мустапақуловлар қайта сайланишди.

Анжуманда иштирокчилар томонидан уюшма ишларини янада жонлантириш, ДТСга мос ўқув дастурларини яратиш, ўқитувчи мавқеини ошириш, компьютерларни сифатли таъмирлаш юзасидан таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Фикрлар эътиборга олиниб, тавсияномалар қабул қилинди.

Қурултой якунида "КомьюТел" журнали янги сони тақдимоти бўлди. Сўнгра мавжуд педагогик дастури воситалари ва методик адабиётлар реклама қилинди, муаллифлар билан шартномалар тузилди. Хуллас, қурултой юксак кўтаринки ва ўзига хос ишчанлик руҳида ўтди.

Курбонбой МАТҚУРБОНОВ

АМАЛИЁТ ЎРНИ БЕҚИЁС

Fikr

Суҳбатдошимиз Самарқанд шаҳар 1-педагогика билим юртининг директори, тажрибали педагог, талабчан раҳбар Дўпал Носирова.

— Дўпал опа, сиз бошқараётган билим юртининг энг кўзга ташланадиган жиҳати нимада деб ўйлайсиз?

— Нокамтарлик бўлсаям айтай, санайдиган жиҳатлари жуда кўп. Энг аввало, билим юртимиз талабалари педагогик амалиётга кенгайтирилган тарзда жалб этилган. Ўқиш ҳафтасининг бир куни махсус амалиёт учун ажратилган. Битирувчиларимиз қирқ кунлик диплом олди амалиётини ўтащди. Бу бизнинг бўлажак ўқитувчиларимизга тайёрлов мактаби бўлиб хизмат қилди.

— Фикрингизга талабаларингиз фаолиятидан исбот келтирсангиз.

— Хусусан, бизда икки мутахассислик — бошланғич синф ўқитувчилари ва расм-чизмачилик ўқитувчилари тайёрланади. Биз амалиёт бўйича шаҳримиз мактабларидаги шартнома тузганмиз. Ҳар бир талабамиз маъбириктирилган. Тада, аввало, дарс лум синфларга лабаларимиз бунўтиш усул ва услубларини, шу билан биргаликда мактаб ўқув ҳужжатларини юритишни ҳам ўрганади. Кўп ҳолларда бизга мактаб ўқитувчилари хайрихоҳлик билдиришади. Ўз навбатида бошқа педагогика ўқув юртларининг талабалари назарий жиҳатдан пухта билимга эга бўлса-да, аммо амалий томондан бир оз бўшлигини таъкидлашади. Шунинг учун менинг назаримда, педагогикада амалиёт ўрнини беқиёс даражада ҳис қилган ҳолда, унга кўпроқ аҳамият бермоғимиз лозим.

— Кузатиб турибманки, талаба қизларингизнинг кўпчилиги оилалига ўхшайди. Бу нарса педагогик амалиётга, ўқиш жараёнига халақит бермайдими?

— Менинг уйда қизим йўқ. Аммо, билим юртида 900 нафар қизим бор. Қиз боланинг тарбиясига, асосан, она масъул бўлади. Турли туманлардан келиб ўқийдиган талабаларимдан меҳримни ва маслаҳатимни аямайман. Оилали қизларимга келадиган бўлсак, уларнинг муаммолари бўйича мураббияларимиз З.Назарова ва Ж.Равшановалар алоҳида шуғулланишади. Улар стипендияларига қўшиб фарзанд пули олишади. Қарамоғимизда оилали талабаларнинг фарзандлари учун болалар боғчаси бор. Яна бир имконият улар педагогик амалиётни ҳам узайтирилган муддатда топширишлари мумкин.

Насиба ЭРХОНОВА суҳбатлашди

Xalq ta'limi va hokimiyat

Ўқув муассасаларини янги ўқув йилига тайёрлаш, ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган оила фарзандларини дарсликлар билан таъминлашда ҳомийлик ишларини амалга ошириш каби ишлар айни кунда туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликларининг диққат марказида турган энг долзарб ишлардан бири ҳисобланади. Махсус мухбиримиз яқинда Қашқадарё вилоятининг Баҳористон туманида бўлиб, туман ҳокими Ҳайит Тожиев билан шу хусусда суҳбатлашди.

"БИЛИМЛАР БАЙРАМИ"ДА БАҲОРИСТОНГА КЕЛИНГ!

— Ҳайит ака, гапни ўзимизни қизиқтирган мавзудан бошласак, мактабларни таъмирлаш ишига ҳомийлик қилиш Баҳористон туманида ҳам ота-оналар зиммасига юклатилганми?..

— Авваломбор шуни айтай, Баҳористон Қашқа воҳасининг чўл ҳудудида жойлашган, кичикроқ бир тумани ҳисобланади. Туманимизда 15 та умумтаълим мактаби, 1 та лицей интернат-мактаб, 1 та ўқув ишлаб чиқариш комбинати, 7 та мактабгача таълим муассасаси бор.

Туман мактабларида 477 нафар муаллим 8144 нафар ёш авлодга таълим-тарбия беради. Мавжуд мактабларимизнинг 4 тасида таълим ўзбек ва туркман тилларида, 3 тасида эса туркман тилида, қолганларида ўзбек тилида олиб борилади.

Энди саволингизга жавоб берадиган бўлсам, бизда мактабларни таъмирлашда ўқувчилар орқали ота-оналардан пул тўплаш йўқ. Ва бу тўғри ҳам. Ўзингиз бир ўйлаб кўринг, ота-она қайси бири учун пул топсин... Борди-ю, мактабни таъмирлаш ишига қайсидир ота-она ўз ҳоҳиши билан қурбига яраша ҳомийлик кўрсатса, у кишига раҳмат.

Туман ҳокимлигининг махсус фармойиши билан тумандаги ҳар бир таълим-тарбия муассасасига доимий ҳомий ташкилот, хўжалик белгиланган. Ҳар бир ҳомий жамоа махсус режа асосида таълим муассасаларига ёрдам кўрсатиб келади. Тумандаги таълим муассасаларига ер берилган. Энг муҳими, ҳар йили туманнинг маҳаллий бюджетидан қанча маблағ иқтисод қилинса, унинг катта қисмини таълим-тарбия, соғломлаштириш соҳаларига ажратамиз.

— Ҳайит ака, янги ўқув йилига тайёргарлик ишлари ҳақида ҳам гапирсангиз.

— Мактабларни, мактабгача таълим муассасаларини янги ўқув йилига ва кузги-қишки мавсумга тайёрлаш юзасидан туман ҳокимлиги тадбир ишлаб чиққан. Ушбу тадбирлар ҳар бир ижрочи идора ва ташкилотга етказилган.

Айни кунларда 10 та мактаб ва 4 та болалар боғчаси жорий таъмирдан чиқарилди. Тумандаги С.Атапов, Р.Холлиев, Ж.Хўжамов, Махтумқули номидаги мактабларнинг барча ўқув жиҳозларини янги ўқув йилига қадар янгилаш ишини режалаштирганмиз. Бу иш учун 6 миллион сўм ажратилди.

Уша Р.Атапов, Махтумқули номидаги мактабларнинг спорт зали, ошхоналар ва яна кўҳна Фазли жамоа хўжалигида жойлашган Ю.Ҳасанов номидаги мактабнинг томини тўлиқ таъмирлашни режалаб қўйганмиз. Бу ишлар учун ҳам 25 миллион сум ажратганмиз. Ишлар қизғин...

Найистон қишлоғида 225 ўринли мактаб биноси битиш арафасида турибди. Насиб бўлса, янги ўқув йили олдидан бу мактаб ҳам фойдаланишга топширилади.

Яқинда 5 миллиондан ошиқроқ маблағ сарфлаб Ю.Ҳасанов, Исмадиёр номидаги мактаблар, лицей-интернат мактаби ва "Шодлик",, "Олтин балиқ" болалар боғчаларининг иситиш узатмаларини қайта таъмирлаб, иситиш қозонларини табиий газга уладик.

—Дарсликларни ўз вақтида етказиб бериш ва яна ижтимоий жиҳатдан ёрдамга муҳтож оилалар фарзандларига бепул ёки арзон нархларда дарсликлар олиб бориш ишлари ҳам кўп жиҳатдан ҳокимликларга ҳам боғлиқ. Шундай эмасми?..

—Бу хусусда туман ДСТБ билан биргаликда тадбирий режа ишлаб чиққанмиз. 2—5-синф ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлашда амалий ёрдам кўрсатишни туман ҳокимлиги ўз зиммасига олган.

Бу масалада ҳам ҳар бир мактаб учун ҳомий ташкилот белгилаганмиз. Бу ўринда айрим идора ва ташкилотлар ўзига хос турлича тадбирлар қўллашмоқда. Уларнинг кўпчилигининг фарзандларига китоб-дафтар олиб бериш учун ота-оналарга бир ойлик маоши миқдорида ёрдам пули уюштиришаяпти.

Ижтимоий жиҳатдан ёрдамга муҳтож оила фарзандларига дарсликлар олиб бериш учун ҳозирнинг ўзиданоқ "Чандир" ва "Оқ олтин" жамоа хўжаликлари 100 минг сўмдан, "Ўзбекистон" жамоа хўжалиги 50 минг сўм пул ажратди.

Ишонаверинг, Баҳористон туманидаги бирор хўжалик ёки ташкилот бу хайрли ишдан четда қолмайди. Туман ХТБ ҳам айнан шу масалада ўзига хос тадбир ишлаб чиқди. ХТБ ички имкониятларидан изланиб, 350 минг сўм пулни дарсликлар олиб-сотиш учун "ҳаракат"га қўйди.

Ишонтириб айтаманки, Баҳористонда янги ўқув йили — "Билимлар байрами" бу йил ҳар йилгидан ҳам яхшироқ кутиб олинади.

"Маърифат"нинг махсус мухбири Абдували ОБИДДИН суҳбатлашди

ЎЗБЕК ОЛИМИНИНГ ЮТУҚЛАРИНИ ДУНЁ ТАН ОЛМОҚДА

Буюк Британиянинг Кембриж Биография маркази атоқли кишиларнинг таржимаи ҳолига доир маълумотларни нашр этувчи жаҳондаги нашриётлардан бири саналади. Хусусан, мазкур нашриёт томонидан "XX асрнинг 2000 нафар атоқли олими" китоби иккинчи нашрининг чоп этилиши халқаро миқёслаги муҳим воқеа бўлди. Китоб жаҳон олимларининг табиий ва амалий фанлар бўйича инсониятга етказаётган манфаатларини акс эттиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Мазкур нашрдан атоқли ўзбек олими Марат Зоҳидовнинг таржимаи ҳоли ҳам ўрин олган. Шу муносабат билан олимнинг амалий фанлар соҳасида эришган улкан ютуқларининг тан олинган белгиси сифатида унга Халқаро Биография маркази томонидан таъсис этилган "XX асрнинг буюк олими" дипломи ва медали топширилди.

Шунингдек, АҚШдаги Биография институти директорлар кенгаши томонидан "Жаҳоннинг 1000 нафар обрўли етакчиси" китоби нашр этиладиган бўлди. Унда ўтиб бораётган асримизда жамият тараққиёти ва касб-корга доир малакага энг кўп ҳисса қўшган атоқли зотларнинг таржимаи ҳоли чоп этилади. Шу йил китобхонлар қўлига тегадиган мазкур китобдан ҳам ватандошимиз Марат Зоҳидовнинг таржимаи ҳоли ўрин оладиган бўлди.

— Физика ва математика соҳасидаги камтар хизматларимнинг бундай юқори баҳоланиши ўзбек илм-фанининг жаҳон миқёсида тан олиниши деб ҳисоблайман, — деди "Туркистон-пресс" мухбирига Марат Зоҳидов.

"Туркистон-пресс"

ЖУРНАЛИСТ БЎЛМОҚЧИМАН

Яқинда уйимизга дадамнинг талабалик йилларидаги дўсти меҳмонга келди. Дадамнинг дўсти ҳозир газетада мухбир бўлиб ишлар экан. Суҳбат давомида унинг адабиёт, бугунги давр янгиликлари ҳақида кенг қамровли фикрларини эшитдим. У киши ҳар бир мақоланинг ёзилиш тарихи хусусида ҳам айтиб бердилар.

Шунда мен, албатта, журналист бўлишни, доимо одамларга нафи тегадиган, савоб бўладиган ишлар тўғрисида ёзишни, ёзганларим ҳамиша кимгадир фойда келтиришини истадим.

Тушундимки, матбуотда ҳар бир хабар ортида, албатта, кимнингдир тақдири ётар экан.

Нилуфар НИЯЗМЕТОВА, ўқувчи

Халқаро мусобақаларда Халқ таълими вазирлиги тизимидаги спорт мактабларида шуғулланган ўқувчилар жами 584 та медалларни қўлга киритган.

Айниқса, мактаб психологлари хизматига бағишланган илмий-методик тавсияномаларга эҳтиёж катта.

ЙИЛДАН ЙИЛГА ЮКСАЛИШ

Яқинда Халқ таълими вазирлиги ҳайъат йиғилишида "Жисмоний тарбия ва спорт ишларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" қарор қабул қилинган эди. Унга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси, педагогика институтлари ректорлари, педагогика билим юртларининг директорлари, шунингдек, маҳаллий жисмоний тарбия ва спорт қўмиталари, спорт федерациялари, касаба уюшмалари, "Камолот", "Соғлом авлод учун", "Маҳалла" жамғармалари халқ таълими фаоллари билан биргаликда белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланиши қайд этилган.

Шунга мувофиқ, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг Олимпия ҳамда миллий спорт турлари бўйича ишлайдиган бўлимларига истеъдодли болаларни танлаш, ҳудудий минтақа ва Республика мусобақаларини ўтказишга кўмаклашиш, спортнинг моддий базасини мустаҳкамлашда, шунингдек, вилоят, шаҳар ва туманлардаги мактабгача таълим ва тарбия муассасаларида кўпгина аҳамиятга молик бўлган ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, ҳозирда жисмоний тарбия ва спортни ҳаётга тадбиқ қилишда Халқ таълими вазирлиги тизимида 9737 та умумий ўрта таълим мактаб жамоалари фаол иштирок этишди. Уларда таълим олаётган 5732746 нафар ўқувчи ёшларнинг қарийб 92 фоизи мактабларда жисмоний тарбия билан мунтазам равишда шуғулланиб келишмоқда.

Республикамизда "Таълим тўғрисида"ги Қонун ҳамда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" талаблари асосида 1998-1999 ўқув йили давомида умумий ўрта таълим мактаблари учун жисмоний тарбия фанидан Давлат таълим стандарти ва ўқув дастури асосида тажриба-синовлар ўтказилиб, ҳозирги даврда бу дастур умумтаълим мактабларида босқичма-босқич жорий этилмоқда. Айниқса, ҳозирда "Алпомиш" ва "Барчиной" каби миллий хусусиятларни ўз ичига қамраб олган махсус курсларнинг амалга оширилаётгани ўқувчиларни қувонтириши, табиий.

Халқ таълими вазирлиги тизимидаги 369 та болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида ўтган йили 211070 нафар ўқувчилар шуғулланган бўлиб, бу кўрсаткич 1997 йилга нисбатан 4556 нафарга ошганлигини кўрсатади.

Кейинги 2-3 йилги маълумотларга эътибор берадиган бўлсак, 1997 йили спорт мактабларида 1200 та спорт шўъбалари ташкил қилинган. 1999 йилга келиб эса, бу кўрсаткич 1331 тага етган. Шунингдек, спорт мактабларида мураббийлар 1997 йили нафар да 6119 бўлса, 1999 йилда 6508 нафарни ташкил этди, бу олдинги йилларга нисбатан 389 нафарга кўпайганлигидан далолат беради.

Оммавий спортнинг разряд мезонларини бажарган ўқувчилар ҳам "Инсон манфаатлари йили"да 53109 нафарни ташкил этган бўлса, "Аёллар йили"да бу кўрсаткич яна 3451 нафарга ошди.

Ўтган йили олимпиада, Осиё биринчилиги ва халқаро мусобақаларда Халқ таълими вазирлиги тизимидаги спорт мактабларида шуғулланган ўқувчилар жами 584 та медалларни қўлга киритган. Шулардан 294 та олтин, 128 та кумуш, 227 та бронза медалларидир. Бу албатта, ҳар йилгига қараганда анча юқори натижа эканлигини кўрсатади.

—Мустақиллик даврида спортчиларга барча шароитлар яратилмоқда. Айниқса, ўқувчилар мактабларда жисмоний тарбия дарсларидан ташқари турли нуфузли мусобақаларда иштирок этишиб, муносиб ўринларни олишлари барчамизни бениҳоя қувонтириб келмоқда, — дейди ХТВ жисмоний тарбия ва спорт бўлими бошлиғи Зайнитдин Икромов. — Ҳозирда республикамизнинг болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида спортнинг саккиз тури бўйича республика биринчилиги ўтказилди. Қолган мусобақалар шу йилнинг сентябрь ва декабрь ойларида ўтказилиши мўлжалланган.

Шу ўринда бир нарсани қайд этиш мақсадга мувофиқдир. Жорий йил натижаларига эътибор берадиган бўлсак, республикамиз мактабгача таълим муассасалари ҳамда умумтаълим мактабларида "Соғломжон — полвонжон", "Футбол ғунчаси", "Қувноқ стартлар", "Спорт фестивали" каби мусобақалар мунтазам равишда ўтказилаётгани ва унда 1 миллиондан ортиқ ўқувчи-ёшлар қатнашаётгани республикамизда спортнинг йилдан-йилга мавқеи ошиб бораётганлигидан далолат беради.

Шунингдек, яқинда "Ўзбекистон ифтихорлари" фахрий унвони билан мукофотланган спортчилар ҳақида "Ўзбекистон ифтихорлари" китоб-альбоми нашр этилгани кўпчиликка маълум бўлса керак. Ҳозирда мазкур қўлланма асосида дастур ишлаб чиқилиб, шунга кўра умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларида ва футбол мактаб-интернатларининг 5—6-синфларида дарслар олиб борилмоқда.

Кўриб турганингиздек, ҳозирги кунда республикада спорт ва жисмоний тарбияга эътибор нуфузи ҳар жиҳатдан мақташга арзигуликдир.

Буни бевосита йилдан-йилга спортга бўлган эътиборнинг кучайиб, қизиқувчилар сони ошиб бораётгани ҳам исботлаб турибди.

Беҳбуд БОТИРОВ

"Spartakiada — 2000"

"СОҒЛОМЖОН — ПОЛВОНЖОН" МУСОБАҚАСИ ҒОЛИБЛАРИ

Болалар саломатлигини тиклаш, соғломлаштириш, чиниқтириш ҳаммамизнинг асосий вазифаларимиздан биридир. Соғлом авлод йилида бу соҳага алоҳида аҳамият берилаётир.

Пойтахтнинг Юнусобод туманидаги 304-болалар боғчасининг мини стадионида бугун ўзгача шодиёна. Бу ерда туман болалар боғчалари ёш спортчиларининг Соғлом авлод йилига бағишланган "Спартакиада — 2000" туман мусобақаси бўлиб ўтди.

Байрам дастури аэробика орқали ҳаракатлар мужассамлиги, ҳаракатли ўйинларни ташкиллаштириш ва эстафета мусобақасидан иборатдир.

Анжуманда спорт байрамининг шўъба мусобақаларида иштирок этган 73 та болалар боғчалари орасида ғолиб деб топилган 133, 245, 304, 480, 498, 502 ва 503-болалар боғчаларининг тарбияланувчилари иштирок этдилар. Шунингдек, мусобақада барча болалар боғчаларининг иқтидорли болалари спортнинг шахмат, шашка, таэквандо, каратэ, УШУ, миллий кураш, футбол ва баскетбол турлари бўйича ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Ғоят қизиқарли ва мароқли ўтган мусобақада 304-болалар боғчасининг "Шодиёна" командаси ғолиб бўлди, 498-болалар боғчасининг "Қуёнча" командаси II ва 245-болалар боғчасининг "Шодлик" командаси III ўринни қўлга киритди.

Шунингдек, 499-болалар боғчаси кичкинтойлари баскетбол, 47-болалар боғчаси ширинтойлари футбол, 555-болалар боғчаси жажжи ўғилқизлари каратэ, 480-болалар боғчаси ёш полвонлари УШУ, 255-болалар боғчаси дилбандлари таэквандо, 304-боғча болалари миллий кураш бўйича ғолибликни қўлга киритдилар.

Спортнинг ақлни пешловчи тури шахмат бўйича ўтказилган мусобақада И.Нўъмонов (245-боғча) I, У.Ўринбоев (105-боғча) II, Ж.Нуруллаев (479-боғча) III ўринни олишга муваффақ бўлишди. Шашка бўйича беллашувда эса Н.Кондратьева (304-боғча) I, Ф.Иброҳимов (339-боғча) II, Ш.Комилов (163-боғча) III ўринга эга бўлдилар.

Спортнинг сузиш тури бўйича ўтказилган шўъбалараро беллашувда 255-болалар боғчасининг "Кичик ўрдакча" командаси аъзолари Алисия Кузнецова, Умида Орифжонова, Бекмурод Нормуродов, Шокир Солиев, Петя Летягин, Ирина Верясовалар ғолиб чиқишиб, шаҳар миқёсида ўтказиладиган "Спартакиада — 2000" мусобақасида қатнашиш учун йўлланма олдилар.

"Спартакиада — 2000" мусобақаси ғолиби — 304-болалар боғчасига туман халқ таълими бўлимининг кубоги тантанали равишда топширилди. Беллашув қатнашчиларига Юнусобод туман ҳокимияти, 205-, 206-, 442- ва 560-болалар боғчалари раҳбарларининг эсдалик совғалари топширилди.

Дилбар ХЎЖАЕВА

Суратларда Юнусобод туманида ўтказилган "Спартакиада — 2000" мусобақасидан лавҳалар акс эттирилган.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

ЁШ САЁҲАТЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Бир ҳафта давомида Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида жойлашган Қоранқул тоғлари мактаб ўқувчилари ва уларнинг мураббийлари билан гавжум бўлди.

Қоранқул қишлоғида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги Республика Ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар марказининг дам олиш оромгоҳида "Соғлом авлод йили"га бағишланган "Тоғ сайёҳлиги" бўйича 4- республика мусобақаси бўлиб ўтди.

Унда Тошкент шаҳри, Сурхондарё ва Сирдарё вилояти жамоаларидан ташқари барча вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикаси вакиллари беш йўналиш бўйича синов турларини топширишди, беш йўналиш бўйича дастур танловида иштирок этишди.

Мураккаб даражали тоғ сайёҳлик юриши, назорат сайёҳлик юриши, сайёҳлик техникаси, тоғ ҳудудларида қутқарув ишлари, сайёҳлик маҳорати ва кундалик ҳаёт каби йўналишларда ўқувчилар тоғ этакларига, чакалакзорларга, сой бўйларига турли-туман қизиқарли юришлар уюштиришди. Сўнгра ошпазлар танлови, "Алпомиш" достонининг 1000 йиллигига бағишланган викторина, фото-расмлар, деворий газеталар, сайёҳлик қўшиқлари, саҳна кўринишлари, тоғ сайёҳлиги ва ўлкашуносликка оид илмий рефератлар танлови ҳам жуда қизиқарли ўтди.

Танловда синов турлари бўйича Тошкент вилояти 1-, Қашқадарё вилояти 2-, Наманган вилояти 3-ўрин соҳиби бўлишди.

Дастурлар танловида Самарқанд вилояти ғолибликни қўлга киритди. Наманган ва Хоразм вилояти вакилларига 2 ва 3- ўринлар насиб этди.

Ғолиблар Халқ таълими вазирлиги ва Республика Ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар марказининг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Республика ёшларининг "Камолот" жамғармаси ҳам ғолибларга ўз эсдалик совғаларини тақдим этди.

(Ушбу мусобақа ҳақидаги тўлиқ маълумот билан газетамизнинг келгуси сонларида танишасиз).

Ш.МАДРАҲИМОВА
Д.ҲИДОЯТОВ

Ajdodlarimiz

ИЛМ — ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

Хорун ар-Рашид (786-809 йиллар) ва унинг ўғли Маъмун (813-833 йиллар) ҳалифалик қилган вақтларда иқтисодий, маданий ҳаёт жонланиб, Боғдод Шарқнинг йирик маданий, илмий марказига айланди. Бунинг натижасида илм-фанга, маърифатга кенг йўл очилиб, математика, фалакиёт, фалсафа, тиббиёт ва бошқа фанлар ривожланди. Айниқса, Ал-Маъмуннинг ҳалифалик даврларида қўшни мамлакатлардан кўплаб нодир китоблар йиғилиб, катта нодир кутубхона ташкил қилинди ва "Маъмун академия"сига асос солинди.

Бу "Байт ул-Ҳикма" (Донишмандлар уйи) академияси атрофига кўплаб ўша даврнинг зукко олимлари, таржимон, ҳаттотлари тўпланган эди. Бу академияда жаҳоннинг машҳур олимлари Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, имом Исмоил ал-Бухорий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Каффол Шоший (Ҳазрати Имом)лар ўқиб, керакли билимларни олиб, унутилмас из қолдирдилар. Ал-Хоразмий бу академиянинг раҳбари ҳам бўлган. Ал-Фарғоний эса ўз лойиҳаси асосида Боғдодда иккита улкан расадхона қуриб, бу расадхонанинг барча ишларига бошчилик қилган.

Бу академиянинг кўп йиллик иш жараёнида қадимги юнон олимларининг ҳамда Ҳиндистонда эришилган фан ва маданият ютуқлари ҳақидаги асарлар араб тилига, форс тилларига таржима қилинди. Аристотел, Платон, Клавдий Птоломей асарлари ҳам араб тилига ўгирилди. Бу таржималарнинг барчасида асосан Мовароуннаҳр олимлари фаол қатнашиб, кейинроқ, жаҳонда биринчилардан бўлиб, математика, астрономия, география, тиббиёт ва бошқа фанлар бўйича янги асарлар, дарсликлар яратилди. Ал-Хоразмийнинг "Астрономик зиж" асари, Ал-Фарғонийнинг "Китоб алҳаракат ас-самовийя ва жавомеъ илм ан-нужум" ("Осмондаги ҳаракатлар ва юлдузлар тўғрисидаги билимлар йиғиндиси") асари ҳамда Абу Али ибн Синонинг "Тиб қонунлари" асарлари XII аср бошларида араб тилидан лотин тилига, шу аср охирида бошқа тилларга ҳам бир неча марта таржима қилиниб, Европада кенг ёйилган ва шуҳрат топган асарларга айланди. Бу асарлар ҳамда бошқа олимларимиз яратган асарлар Шарқ илмий тафаккурининг ривожланишига катта таъсир кўрсатди, Европада дунёвий фанларнинг ривожланишига асос бўлди. Айниқса, аждодларимиз яратган астрономия, математика, география, тиббиёт ва бошқа фанлар узоқ йиллар, асрлар давомида Европа мамлакатларида ўқитилиб, уларнинг ривожланишига олиб келди. Бу ишларнинг барчаси жаҳонда дунёвий фанларнинг тезда ривож топиб, инсониятнинг юксалишига етаклади ва тараққиётга асос бўлди.

Илҳом ШЕРМУҲАММАД

МАКТАБДА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ ИСТИҚБОЛИ

***Инсониятга кўплаб умидбахш янгиликлар, шунингдек, муаммолар ва зиддиятларни тақдим этган асримиз якунланиб бормоқда. Ҳаммасининг асосини инсоннинг ўзида деб билганлар аср сўнгида яна инсонга қайтиш кераклигини, муаммолар ечими руҳий оламда эканлигини англаб етдилар. Адабиёт, санъат ва ҳаётнинг ўзида ҳам техника ривожи чўққисига етган даврда яна инсонга қайтиш рўй берди. Бугун ривожланган давлатларнинг ҳар бир корхона, ташкилот ва жамоасининг ўз психологи бор. Инсон руҳиятини тадқиқ қилувчи, унинг ҳаётдаги ўрнини англатувчи мутахассисларга эҳтиёж бизда ҳам яққол сезилди. Ва бунинг натижаси ўлароқ Ўзбекистонда ҳам истиқлолдан сўнг бу борада сезиларли қадамлар ташланди. Шундай қадамлардан бири — мактабда психологик хизмат ва халқ таълими тизимида ташхис Марказларининг ташкил қилинишидир.*

Мухбиримизнинг Республика ташхис Маркази директори Ботир Қодиров билан суҳбати марказ фаолияти, юзага келган муаммолар ва уларнинг ечими ҳақида бўлди.

— Май ойида Бухоро вилоятида "Мактаб амалиётчи психологларининг вазифалари" мавзусида Республика семинар-кенгаши бўлиб ўтган экан...

— Республика мактабларида психологик хизмат масалаларига бағишланган семинарнинг ўтказилишига Бухоро вилоятининг танлангани бежиз эмас. Бу ерда кўп йиллардан буён вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти қошида амалиётчи психологлар тайёрлаш курси фаолият кўрсатаётир. Мазкур курсни тугатганларни бугун вилоятдаги барча мактабларда учратиш мумкин. Бошқа вилоятларда, афсуски, аҳволнинг бундай даражада эмаслигини кўрамиз. У ерларда мактаб психологи вазифасига номутахассис кишилар тайинланган бир пайтда Бухорода 25-35 ёшли, ёш, сергайрат кадрларнинг иш юритаётганлари ҳам диққатимизни тортди.

— Семинар ўз олдига қандай мақсад қўйган эди ва бунга нечоғли эришилди?

— Семинар-кенгашнинг асосий мақсади барча вилоятлардан йиғилган мактаб, ташхис марказлари психологларига энг илғор психологик хизмат намунасини кўрсатиш, унинг амалиётга татбиқ этилишидаги ютуқлари ва бу борадаги қийинчиликлар нималардан иборат эканлигини кўрсатиш эди. Бунлардан келиб чиқиб, ҳар бир вилоят психологлари ўзларининг истиқбол режаларини тузиб олишлари назарда тутилган бўлиб, мазкур семинар ўзига хос даъват вазифасини ўтади.

Айтиш лозимки, анжуман ишчанлик руҳида ўтди. Семинар иштирокчилари вилоятнинг барча 15 туманига ташриф буюриб, мактабларда психологларнинг фаолиятлари билан яқиндан танишдилар. Якуний йиғин Ғиждувонда бўлди. Унда сўзга чиқанлар Бухоро вилоятида амалга оширилаётган психологик хизматдан қониқиш ҳосил қилганларини айтишди. Бухороликлар ўз тажрибаларидан келиб чиқиб, меҳмонларга ўзлари ишлаб чиққан методик қўлланма, тавсияномаларни тақдим этдилар. Шундан сўнг бошқа вилоятларда ҳам Бухоро тажрибасини тадбиқ этиш мақсадида мактаб амалиётчи психологлари семинари ўтказилди. Бухоро тажрибасини ўрганиш давом этмоқда.

— Сўзларингиздан англашилдики, Бухоро вилоятида ҳар бир мактаб ўз психологига эга экан. Қолган вилоятларда аҳвол қандай? Кадрлар билан таъминланиш даражаси қай аҳволда?

— Собиқ иттифоқ даврида мактаб психологлари, умуман, психологларга эътибор кам бўлиб, бу иккинчи даражали иш деб қаралар эди. Психолог мутахассислар фақатгина ТошДУ да тайёрланиб, улар мактабга етиб бормас, мактабда ҳам психолог штати йўқ эди. 1996 йили мактаб психологлари Низоми тасдиқланди. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 203-сонли қарорига мувофиқ ташхис марказлари ташкил қилингач, мактаб психологларига эҳтиёж яққол сезилиб, амалий ишга киришилди. Тажрибали ўқитувчилар мактаб психологи вазифасига шошилинч тайинлана бошланди. Бугун мактабларимизда ишлаётган психологларнинг аксарияти мутахассислиги бошқа бўлган кишилардир. Баъзи вилоятларда қисқа курслар ташкил қилиниб, ташхис марказлари вазифалари доирасида ўргатилмоқда. 1998-1999 йилларда Авлоний номидаги ХТХМОМИда бир неча курслар ташкил этилди. Ҳозир мактаб психологларимиз лозим. Фақатгина халқ таълими эмас, барча соҳалардаги психологик хизматга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олиб, психолог кадрлар тайёрлашни кучайтириш, янги факультетлар очилишига эришишимиз керак. Қиёсий мисол: 90-йилларда АҚШда бир врачга 5 та психолог тўғри келган. Бизда ҳам врачлар билан таъминланганлик даражаси АҚШдан кам эмас.

— Марказингизда мавжуд муаммоларни бартараф қилиш юзасидан қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Ўзбекистонда олий тоифадаги психолог кадрлар масаласи ҳар ҳолда Марказий Осиё давлатлари ичида нисбатан юқори поғонада. Ўзбекистонда 9 фан доктори, 130 дан ортиқ нинг тахминан 30-40 фоизи у ёки бу шаклдаги қисқа малака ошириш курсларини тугатишган.

Психолог кадрлар масаласи энг долзарб муаммолигича қолмоқда. Бугуннинг ўзида бизга ўн мингта профессионал психолог керак.

Шу ўринда барча вилоятларнинг бухороликлар тажрибасидан намуна олишларини истаган ҳолда яна шуни айтиш лозимки, психологик саводхонлик даражасини 6 ойлик қисқа курслар билан тасаввур қилмаслигимиз керак. Жаҳон стандартларига мос — бошланғич, ўрта, олий маълумотли психологлар ҳақида қайғуришифан номзоди фаолият кўрсатаётир. Тожикистон ва Қозоғистонда эса 1 тадан фан доктори мавжуд. Шунга қарамасдан, бизда ўзбекларнинг миллий хусусиятларидан келиб чиқиб яратилган ўзбек тилидаги психологик оммабоп адабиётлар кам. Айниқса, мактаб психологлари хизматига бағишланган илмий-методик тавсияномаларга эҳтиёж катта. Бу борада Республика ташхис марказида имконимиз борича ишлар қилаяпмиз. 1999 йили мактаб психологлари учун битирувчи 9-синф ўқувчиларининг психологик ва касбий ташхисини амалга ошириш юзасидан 3 та методика тавсия этилди. Бундан ташқари, ўтган йилдан бошлаб 6 ёшли болалар орасидан мактабда ўқишга лаёқатлиларни саралаш юзасидан махсус психологик тест ишлаб чиқилди ва барча минтақавий ташхис марказларига етказилди. Яна бир қанча психологик ташхис методикалари тайёрланиб, чоп этилиш арафасида турибди.

Яна бир муаммо — соҳага оид меъёрий ҳужжатларнинг йўқлиги. 1996 йили қабул қилинган Низом бугуннинг талабларига жавоб бермай қолди. Бунинг устига ижтимоий-иқтисодий вазият ҳам ўзгариб қолди...

Ҳозир халқимизнинг психологик саводхонлигига ижобий таъсир этувчи, миллий ўзига хослигимиздан келиб чиқувчи янги таълим тизимида психологик хизмат Низоми ишланмоқда. Низом лойиҳаси Бухоро семинарида барча иштирокчиларга тарқатилиб, ҳозирда уларнинг таклиф ва мулоҳазалари йиғиб олинмоқда. Умид қиламизки, янги Низомнинг қабул қилиниши психологик хизмат турига эътиборнинг янада кучайишига туртки бўлиб қолади.

Ҳусан НИШОНОВ
суҳбатлашди.

Сувни бир ҳавзадан иккинчи ҳавзага ўтказиб, сиз ер юзида ҳаётни сақлаб турган тизим фаолиятига муайян асоратлар қолдирадиган даражада аралашасиз.

Сартарошлар узун сочни қиммат пулга сотиб олишларидан хабар топган икки безори синфдош қизга аввалига яхшиликча муомала қилишди: "Сочингни бизга сот!".

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси соҳадаги етакчи билим даргоҳи саналади. Даргоҳда бугунги кунда кундузги ва сиртқи бўлимлар, магистратура, офицерлар ва раҳбар ходимларни тайёрлаш факультетлари фаолият кўрсатмоқда. Яқинда ушбу даргоҳда катта тантана бўлиб ўтди. Кундузги бўлимнинг 471 нафар битирувчилари ҳуқуқшунослик дипломи ва лейтенант унвонини қабул қилиб олдилар.

Суратларда: Тантанадан лавҳа акс этгин.

Б.РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

Умида Мираҳмедова — Қибрай туманидаги 1-мактабда таҳсил олади. Шеъриятга ҳаваси кучли. Яхши шеърлар ёзади. Ҳали ёш бўлишига қарамасдан, анчагина салмоқли ижод намуналари яратишга улгурган, келажаги умидли шоира шеърларидан қуйида намуналар берилмоқда.

Ko'ngil bitiklari

ЎЗБЕКИСТОНИМ

Яхшиларга маконим,
Мисоли нуристоним,
Қувноқ ўтар ҳар оним
Сенда Ўзбекистоним!

Шарқда ёрқин чироқсан,
Ёмонликдан йироқсан,
Келажаги порлоқсан,
Нурли Ўзбекистоним!

Бошинг узра кўк осмон,
Ёруғ, тоза, чароғон,
Булут босмасин ҳеч он,
Порлоқ Ўзбекистоним!

Тошкентинг-пойтахтингдур,
Ҳумо қушинг-бахтингдур,
Келажагинг тахтингдур,
Яшна, Ўзбекистоним!

Тўкилмасин ёшимиз,
Сўнмасин қуёшимиз,
Бор бўлсин юртбошимиз,
Гўзал Ўзбекистоним!

У ОТАМДИР, У ОНАМДИР

Бу дунёда ягонамдир,
Атрофимда парвонамдир,
Бағри кенгдир мисли дунё,
У отамдир, у онамдир.

Суҳбатлашсам дилкашимдир,
Гар оғрисам дардкашимдир,
Қалби қуёш, меҳри дарё,
У отамдир, у онамдир.

Фарзанд дея яшайдилар,
Тўғри йўлга бошлайдилар,
Бири нуру бири зиё
У отамдир, у онамдир.

Гар йиғласам куядилар,
Оппоғим деб суядилар,
Ёмонликни кўрмас раво,
У отамдир, у онамдир.

Умида МИРАҲМЕДОВА

. . .

Митти юлдуз, гўзал юлдуз,
Бунча гўзал порлайсан.
Орзуларим сендай гўзал,
Ўз ёнингга чорлайсан.

Митти юлдуз, гўзал юлдуз,
Мен ёнингга учайин.
Ерга сиғмас хаёлларим,
Самоларга сочайин.

Хаёлларим камалакдай,
Осмонларни безасин,
Юлдузчалар дуо қилсин,
Ерлик жажжи қизчасин.

Мастура ТЕМИРОВА,
Каттақўрғон туманидаги 61-мактабнинг 10-синф ўқувчиси

ҲАР ЮРТ ЎЗБЕКИСТОН ЭМАС

Ҳар бир гулзор бўстон эмас,
Ҳар бир орзу армон эмас.
Бўлса ҳамки донғи достон,
Ҳар юрт Ўзбекистон эмас.

Дардмандларга дармони бор,
Пахта, буғдой ҳам кони бор.
Уй тўрида меҳмони бор,
Ҳар юрт Ўзбекистон эмас.

Мусофирга ош-нон берган,
Кимсан демай макон берган.
Дўсти учун қон-жон берган,
Ҳар юрт Ўзбекистон эмас.

Бахт қушлари бунда учар,
Қуёши зар нурлар сочар,
Мустақиллик бизни қучар,
Ҳар юрт Ўзбекистон эмас.

Зуҳра НАРЗУЛЛО қизи,
Жиззах шаҳридаги иқтидорли болалар лицейи ўқувчиси

Xullas...

ҲУШЁРЛИК ҚИЛМАГАНДА...

Вильнюслик киши эрталаб уйғонар экан, кроватда уч яшар қизчасининг йўқлигини кўриб, эсхонаси чиқиб кетди. Полицияга қўнғироқ қилгач, бутун шаҳардаги радио шаҳобчалари орқали қизчанинг йўқолганлиги ҳақидаги эълон эшиттирилди.

Эшик тақиллатиб кирган қўшни кампирнинг ёнида қизчасини кўрар экан, ҳалиги киши ҳеч нарсани тушунмади. Кампирнинг таъкидлашича, кечқурун ота оёқда туролмайдиган даражада ичиб келган. Бундай пайтда норасидани у билан қолдириш хавфли эканлигини билган аёл уни ўз уйига олиб чиқиб кетган.

Бола соғ-омон. Ота ҳам ўзига келди, кайфи тарқаган. Воқеанинг яхшилик билан тугаши эса гумон эди, қўшни аёл ҳушёрлик кўрсатмаганда...

МАСТ БЎЛГАН КАЛАМУШЛАР

Смертин фамилияли киши каламушларга қирон келтиришнинг ҳали ҳеч ким ўйлаб топмаган усулини қўллади.

"Европа — Осиё янгиликлари" агентлигида сичқон ва каламушларга қарши заҳарли дорилар унчалик самара келтирмаётганлиги тўғрисида ёзишган. Николай бу паразитларни йўқотишнинг ўрисча усулига мурожаат қилди. Гаражда ўзларидан кўпайиб ётган кемирувчилар аввалига идишга қўйилган ароққа яқинлашмадилар ҳам. Николай хийла ишлатди. Ароқнинг устига сут қуйди. Оқиш тусдаги ичимликни кўрган сичқон ва каламушлар уни мазза қилиб симиришди ва кайфнинг зўридан думалаб-думалаб қолишди. Кулгудан ўзини тутолмаган Николай уларни "супуриб" олиб, мушукларнинг олдига ташлади.

ҚИРҚИЛГАН "ШАРШАРА"

Кишинёвлик Катя исмли қизнинг сочи тақимини ўпар, синфдошлари эса бунга ҳасад ҳам қилишарди. Сартарошлар узун сочни қиммат пулга сотиб олишларидан хабар топган икки безори синфдоши қизга аввалига яхшиликча муомала қилишди: "Сочингни бизга сот!". Турган гапки, Катя бунга рози бўлмади, ахир "соч эмас, бу шаршара" эди-да.

Афсуски, худодан ҳам қўрқмаган йигитлар ерости йўлида шўрлик қизни додлатиб, сочини қирқиб кетишди. Бундан ортиқ бедодлик бўладими?

Полиция узун сочга қидирув эълон қилар экан, эвазига катта миқдордаги пул ваъда қилди.

ana shunaqa gaplar...

Ekolog yon daftariga

СУВ ЯНГИЛАНМАЙДИ

Сув янгиланадиган нарса эмас. У осмондан ёғингарчилик кўринишида ерга тушганда бизга шундай туюлади. Нарсаларга бу каби қараш эколог нуқтаи назаридан жўндир. Сув ҳақидаги бундай фикрни умум қабул қилган бўлиши мумкин, бироқ умум қабул қилган қарашлар кўпчилик ҳолларда ҳайратланарли даражада жоҳилликдан иборат бўлиши ҳам мумкин. Янгиланадиган ресурслар, масалан, дарахтлар, сигирлар ва одамлар каби тирик организмлар бўлиб, ишлаб чиқара оладилар. Сув ўзини ишлаб чиқара олмайди. Сув гидрологик цикль воситасида иккинчи марта ишлаб чиқилади. Натижада булут, ёмғир, қор шаклланади, сув ўсимликлар, дарёлар, булоқлар ва океанларга қайтади. Шундан кейин сув парланиш ва қор-ёмғир воситасида қайта айланади. Гидрологик цикл — бу экотизим ҳаракатидир, бу шундай тизимки, барча тирик мавжудот, жумладан, одамнинг ҳам ҳаётийлигини таъминлаб туради. Ҳавза гидрологик циклнинг бир қисми ҳисобланади. Сувни бир ҳавзадан иккинчи ҳавзага ўтказиб, сиз ер юзида ҳаётни сақлаб турган тизим фаолиятига муайян асоратлар қолдирадиган даражада аралашасиз. Бизга маълумки, Орол денгизи бу фикримизга мудҳиш мисол бўла олади. Бу эса биринчиси эмас...

Ширли КОНОВЕР
Канада

БАЛИҚЧАМ ЎЛИБ ҚОЛДИ...

Ўтган йили "Маърифат" газетаси сув ҳақида иншолар танловини ўтказган эди. Афсус, унда қатнаша олмагандим. Бироқ, унинг натижаларини ўқидим, улар воситасида ўзим яшайдиган қишлоқ табиатига, хусусан, сувга эътибор берадиган бўлдим. Бир воқеа юз берди:

Қишлоғимизнинг қуйи қисмидан оқиб ўтадиган каналдан балиқ овладим-да, ҳовлимизга ҳовузча қазиб, уни сувга тўлатиб, балиқчаларни қўйиб юбордим. Қанчалик овқатни кўп бермайин, балиқчаларим ўлиб қолди. Кейин билсам сув бир жойда тўхтаб қолса, у ерни бузар экан, балиқни ҳам ўлдирар экан. Сув доим ҳаракатда бўлиши керак, деган хулосага келдим. Ўзим эса билмасдан жониворларга озор берганимдан афсусландим.

Умар АСРОРОВ,
ўқувчи

QUTLOV

Муҳтарама Меҳринисо НАБИШЕВА!

Сизни таваллуд кунингиз билан самимий қутлар эканмиз, падегогик фаолиятингизда янада улкан мувоффақиятлар тилаймиз. Ёш авлод таълим-тарбиясидаги ибратли амалларингиз умрингизга безак бўлсин, ҳамиша шогирдларингиз эҳтиромида бўлинг.

Самарқанд ВПХМОИ жамоаси ва яқинларингиз

ТАЛАБАЛАР БАЙРАМИГА АЙЛАНДИ

Дунёда касб байрамлари кўп. Ҳар кимнинг байрами ўзгача файз ва тароват билан нишонланади. Шундай байрамлар орасида Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни биз журналистлар учун энг қувончли ва чиройли байрамдир.

Куни кеча Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультети талабалари оммавий ахборот воситалари ходимлари ва чет эллик меҳмонлар билан учрашдилар.

Учрашувда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси А.Мелибоев ҳукуматимизнинг журналистларга ва оммавий ахборот воситалари ходимларига бераётган юксак эътибори ва ишончини таъкидлаб ўтди.

ЎДЖТУ ректори Ж. Бўронов талабаларни ва ўша ерда ҳозир бўлган меҳмонларни байрам билан қутлади. Жанубий Корея таълим маркази раҳбари Жу Бай Кюн ҳам журналистика соҳасига қизиққан, шу соҳани тинмай ўқиб-ўрганаётган талабаларга келгусидаги ишларида омад тилади.

Миллий матбуот маркази раҳбари Амирқул Каримов республика оммавий ахборот воситаларида ўз чиқишлари билан фаол иштирок этган бир гуруҳ талабаларни диплом ва пул мукофотлари билан тақдирлади.

Талабалар ўзбек, инглиз, испан, корейс, араб, хитой, турк тилларида табрик ва устозларига миннатдорчилик изҳор этишди. Талабалар тайёрлаган қўшиқ ва саҳна кўринишлари ҳам олқишларга сазовор бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, газетамиз ходими, халқаро журналистика факультети талабаси Жамшид Саъдинов Миллий Матбуот Маркази томонидан ўтказилган танлов ғолиби бўлди. Унга 1-даражали диплом топширилди.

Таҳририятимиз номидан ҳам газетамиз саҳифаларида ўз хабар ва мақолалари билан қатнашиб турган талабаларга "Фахрий ёрлиқ" ва эсдалик совғалар топширилди.

Кеча сўнгида меҳмонлар ва талабалар бир пиёла чойга таклиф этилди.

Шарифа МУРОДЖОН қизи

ТАЪТИЛ МАРОҚЛИ ЎТМОҚДА

— Марҳамат тумани маорифчиларининг шу кунлардаги диққат-эътиборлари 28887 нафар ўқувчининг ёзги таътилини кўнгилли ташкил этишга қаратилган, — дейди Марҳамат туман халқ таълими бўлимининг мудири Расулжон Султоналиев. — Бунинг учун зарур бўлган барча ташкилий тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Режаларимизга биноан, бу йил 840 нафар ўқувчи шаҳар ташқарисидаги оромгоҳларда, 2760 ўғил-қиз мактаблар қошидаги оромгоҳларда, 720 нафар бола эса "Меҳнат-роҳат" оромгоҳларида ёзги таътилни ўтказади. Туманимиздаги "Баҳор" оромгоҳида 1200 нафар бола, "Бинокор" оромгоҳида 750 нафар ўғил-қиз 1 июндан бошлаб таътилларини ўтказишмоқда. Ўқувчиларнинг 3851 нафари ота-оналар қарамоғида хордиқ чиқаришмоқда.

Спорт соғломлаштириш оромгоҳларида 1050 нафар, санаторий типидаги оромгоҳларда 11250 нафар, саёҳатларда 4020 нафар бола дам олади.

Бунинг учун зарур миқдорда тарбиячи, етакчи ва ташкилотчи кадрлар танлаб олиниб, ишга жалб этилди. Оромгоҳлар туман ҳокимлигининг бевосита яқинда берган ёрдами билан 20 майдаёқ таъмирдан чиқарилиб, жиҳозлаб қўйилди. Бу ишда туман ҳокимлиги, туман касаба уюшмаси, туман халқ таълими бўлими, туман савдо ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти жамоаларининг хизмати катта бўлмоқда.

Абдурасул ЭРГАШЕВ

ГИЁҲВАНДЛИК — БУ НИМА?

Бугунги кунда — янги аср бўсағасида гиёҳванд моддалар бутун инсоният саломатлигига катта хавф туғдирмоқда, давлатларнинг ички ва ташқи сиёсатига, уларнинг иқтисодий мустақиллигига ва барқарорлигига хавф солмоқда. Мазкур муаммо кейинги давр мобайнида дунёда гиёҳванд моддаларни истеъмол қилаётганларнинг ёши анча "ёшариб" бораётганлиги туфайли ҳам долзарб ва муҳимлиги билан ажралиб туради.

Куни кеча Республика ёшларининг "Камолот" жамғармаси "Гиёҳвандлик бу нима?" рисоласининг тақдимот маросимини ўтказди.

Вазирлар Маҳкамаси қошидаги наркотикларни назорат қилиш миллий маркази, "Камолот-Қонун" маркази, БМТнинг Марказий Осиёдаги гиёҳванд моддаларни назорат қилиш ва жиноятчиликни огоҳлантириш минтақавий ваколатхонаси билан ҳамкорликда ўтказилган ушбу тақдимот маросимида XXI аср вабоси — гиёҳвандлик балосидан қандай қутилиш, гиёҳвандликнинг олдини олиш, ёшларни соғлом қилиб тарбиялашда бу рисоланинг ўзига хос ўрни борлиги таъкидланди. Маросимда сўзга чиққан "Камолот" жамғармаси раиси Х. Абдураимов "Ёшлар XXI асрга гиёҳванд моддаларсиз" дастури доирасида тайёрланган рисолани тадбиқ этишда Республика Халқ таълими вазирлигининг ёрдами катта бўлганлигини айтиб ўтди. Сурхондарё, Фарғона вилоятлари мактабларида ўтказилган бу борадаги учрашувлар, болалар онги ва тафаккурини ўзгартириб уларда гиёҳванд моддаларнинг нақадар жирканчлиги хусусидаги фикрни шакллантирганлигини айтди.

Тақдимот маросимида китоб муаллифи Д. Қурбонова сўзга чиқди.

Тадбир сўнгида "Истеъдод шоу — 2000" қатнашчилари ўз куй-қўшиқ ва рақслари билан иштирок этишди.

Ушбу рисола барча ўқувчиларга гиёҳвандлик, унинг ёмон оқибатлари, ундан халос бўлиш йўллари ҳақида атрофлича маълумот беради.

Дилафрўз УМАРОВА

Тошкент педагогика коллежи 2000-2001 ўқув йили учун 9-синф маълумотига эга бўлган ўқувчиларни қуйидаги мутахассисликлар бўйича

қабул қилади

1) Мактабгача таълим муассасаларида тарбиячи ва мактабгача оила ўқитувчиси.
2) Тўгарак раҳбари (тикувчилик, тўқиш, каштачилик).
Ўқиш шакли кундузги.
Ўқиш муддати 3 йил.

Манзилимиз:
Чилонзор тумани, Муқимий кўчаси, 186.
Трамвай: 4,9.
Автобус: 34,77,13,111.
Оқ-тепа бекати
Тошкент педагогика коллежи

ТАБРИКЛАЙМИЗ ВА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

1975 йилда СамДУ мехмат факультетини битирганлар диққатига!

Сизларни Самарқанд давлат университети механика-математика факультетини битирганимизга чорак аср тўлиши муносабати билан қизғин табриклаймиз. Ушбу шодиёна боис курсдошларнинг навбатдаги 6-учрашуви Ватанимиз пойтахти — Тошкент шаҳрида 2000 йил 19-21 август кунлари бўлиб ўтади. Тантаналар 2000 йил 19 август куни соат 11 00 да Тошкент шаҳар, Амир Темур хиёбони, Амир Темур ҳайкали олдида курсдошларнинг дийдорлашувидан бошланади. Учрашувга доир саволлар ва таклифлар учун уй телефонлари: 161-41-87, 50-09-05, 72-53-51.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ 2000-2001 ўқув йили учун Қуйидаги мутахассисликлар бўйича абитуриентларни

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

Чет тили (инглиз тили, рус ва ўзбек гуруҳлари учун).
Математика ва информатика (рус, ўзбек).
Кимё.
Биология.
География.
Тарих, давлат ва ҳуқуқ асослари.
Ўзбек тили ва адабиёти.
Қозоқ тили ва адабиёти.
Рус тили ва адабиёти.
Касбий таълим (соҳалар бўйича).
Бошланғич таълим ва тарбиявий иш (ўзбек, рус, тожик).
Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият.
Чизмачилик, тасвирий ва амалий санъат.
Мусиқа таълими ва эстетик тарбия.

Ҳужжатлар 20 июлгача қабул қилинади.
Қуйидаги ҳужжатлар топширилади: ректор номига ариза,
Ўрта маълумот ҳақида гувоҳнома (асл нусхаси),
Соғлиги тўғрисида маълумотнома (086 -шакл)
3х4 шаклда 6 дона сурат.

Институт манзили: 702500, Ангрен шаҳри, 48-даҳа, 1-в уй.
Телефон: 2-24-89, 2-25-17.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ, Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.
Газетани IBM компьютерида Малоҳат ТОШОВА ва Лилия БИНАШЕВА саҳифалади.
Навбатчилар: Дилбар ХЎЖАЕВА, Беҳбуд БОТИРОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-517. Тиражи 35.358.
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.
«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй
Босишга топшириш вақти — 20.00.
Топширилди — 18.30.